НАВОИЙ ВА ҲУСАЙН БОЙҚАРО

Фаррухбек ОЛИМОВ
филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
докторант (DSc)
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
Тошкент, Ўзбекистон
farolimbek@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳамда унинг дўсти, ҳамдами Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз боради. Ҳукмдорнинг шоир ҳаёти ва ижодида тутган ўрни тадқиқ қилинади.

Таянч сўзлар: Навоий, Ҳусайн Бойқаро, XV аср адабий муҳити, Навоий замондошлари, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт, тазкира.

НАВОИ И ХУСЕЙН БОЙКАРО

Фаррухбек ОЛИМОВ
доктор философии по (PhD) филологическим наукам
докторант (DSc)
УЖиМКУз,
Ташкент, Узбекистан
farolimbek@gmail.com

Аннотация

В статье рассматриваются отношения между великим поэтом и мыслителем Алишером Навои и его другом Хусейном Бойкаро. Изучается роль правителя в жизни и творчестве поэта.

Ключевые слова: Навои, Хусейн Бойкаро, литературная среда XV века, современники Навои, общественно-политическая и культурная жизнь, тазкира.

Навоий шахсиятининг шаклланишини, аввало, темурийлар давлатчилигининг ҳосили сифатида қараш керак. Шоирнинг болалиги темурий Абулқосим Бобур ҳомийлигида ўтди. Султон Абусаид даврида шоир бир қатор қийинчиликларни бошдан кечирди. Бироқ 1469 йили унинг дўсти Ҳусайн Бойқаронинг Хуросонни эгаллашидан сўнг шоир ҳаёти бир маромга тушди, ижоди гуллаб яшнади. Албатта, Ҳусайн Бойқаро даврида ҳам муаммолар кўп бўлди, аммо Навоийнинг ўзи бу сиёсий вазиятларни барқарорлаштиришга, шу давлатнинг мустаҳкамлигини сақлаб қолишга бор

кучи билан интилди. Ҳам сиёсий арбоб сифатида амалий ишлари, ҳам қаламкаш сифатида бадиий асарлари билан инсонлар, хусусан, давлат арбобларининг дунёқарашларини ўзгартиришга ҳаракат қилди.

Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврини идеал деб айта олмасак ҳам, ҳар ҳолда, XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот энг йирик маданият марказларидан бирига айланди.

Навоий асарларида энг кўп таърифланган шахслардан бири, табиийки, бу – Ҳусайн Бойқаро. Чунки унинг Навоий ижоди ва фаолиятига ҳам подшоҳ, ҳам дўст, ҳам қалам соҳиби сифатида таъсири жуда катта эди. Икки шахс муносабатлари доирасини ёритиш, бу муносабатларнинг асарларда акс этишини ёритиб беришнинг ўзи алоҳида катта бир мавзу.

Шўро мафкураси даврида кўпгина бадиий асарларда Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасида гўёки синфий зиддият, икки шахс орасида зимдан кучли адоват бор эди, деб кўрсатишга интилишлар бўлди. Албатта, шоҳ ва шоир муносабатларидаги нозик чегарани рад этолмаймиз. Лекин ўз замондош шоирини кўкларга кўтарган ҳукмдорлар ҳар доим ҳам учрайвермайди. Гарчи, у Навоийдек буюк даҳо бўлса ҳам.

Навоийшунос Суйима Ғаниева ўзининг “Навоий ва Ҳусайн Бойқаро” мақоласида шундай ёзади:*“Ҳусайн Бойқаро Навоийни беҳад ҳурмат қилди, уни қўллаб-қўлтиқлади. Жомийни у “пирим” деди, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад каби эркин фикр соҳибларини эъзозлади. Замонасининг машҳур олимлари, фозиллари, санъат ва адабиёт аҳллари ундан баҳраманд бўлдилар. Ўз навбатида бундай қайноқ адабий ва маданий муҳитда Ҳусайннинг ўз ижоди камолотга эриша борди”* [3; 110].

Бойқаро, ҳатто, улуғ қалам соҳибига бағишлаб алоҳида рисола ҳам битади. Рисола муножот руҳида ёзилган. Унда муаллиф мамлакат ривожи учун қилинган эзгу ишлари, бунёдкорликларини санайди, бу йўлда унга азиз авлиёлар руҳи ҳамроҳ бўлганини қайд этади. Энг муҳим жиҳати, замондошлари Жомий ва Навоий унга “жилваи зуҳур” бўлиб турганини, яъни Ҳақнинг нури уларда акс этиб турганини айтади. Бу, аслида, икки авлиёсифат

шоирларга жуда юксак баҳо эди. Бундан ташқари, Ҳусайн Бойқаро ўзи ва шундай улуғлар яшаган замонни даврларнинг энг зўри, деб билади ва Жомийга таъриф бериб кетади: *“Ва бу даврон барча даврлардин мумтозки, булар тағи мужиби кўп адойи шукр турурки, андин нотиқа тили лолу қалам тили шикастамақолдурур. Ва ул жумланинг аъламу афзали, фазойил дарёсининг дурри поки ва валоят афлокининг хуршеди тобноки, назм жавоҳирининг соҳиби интизоми Ҳазрати шайхулислом Мавлоно Абдураҳмон Жомий, саллама ҳуллоҳу ва абқо турурким, то фалаки қадамийниҳод савобиту сайёрдин юз минг кўз била олам аҳлиға нозирдурур, кўзига андоқ нодирхаёл келмамиш ва то меҳри жаҳоннамо, балки хуршеди сипеҳрпаймо жаҳон давриға сойирдурур, партави ҳаргиз анингдек адим ул-мисол устига тушмамиш, жавоҳири назмидин жаҳон садафи тўла дурри самин ва лаолийи насридин афлок атласиға зебу тазйин, тасонифи жамиъи улумда беҳадду ҳар таснифда хазойини маъоний беадад”* [2; 11].

Шунингдек, муаллиф Яратгандан бундай соҳибдавлат бардавом туришини сўрайди.

Ҳусайн Бойқаронинг ёзишича, Ҳиротда ўша даврда мингга яқин қалам соҳиби бўлган. Бу эса Навоий яшаган адабий муҳитнинг қанчалик бойлигини яна бир карра кўрсатади. Рисолада шундай дейилади: *“...мингга яқин кишиким, аларнинг иши маъоний дурларин назм силкиға тортмоқ бўлғай ва диққат гавҳарлариға вазн либоси зебу зийнатин бермак бўлғайким, ҳеч даврда булардек элнинг мингидин ўнию ҳеч замонда юзидин бири йўқ эркандурур”* [2; 12].

Шоирлар таърифидан кейин муаллиф Алишер Навоий ҳақида сўз бошлайди. Болаликдан дўстлиги, кўкалдошлигини айтиб, Навоий *“турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ киюрди”* [2; 15], яъни туркий тилнинг ўлиб қолган жисмига Исо Масиҳ каби нафас билан жон киритди, деб ўхшатиш қилади. Кейин Навоийнинг айнан туркий тилда турли жанрларда ижод қилганини мадҳ этади. “Хамса”ни бошқа хамсанависларга

нисбатан жуда қисқа муддатда ёзиб тугатгани, умуман, туркий адабиётни улуғ шоҳсупага олиб чиққанини фахр билан қоғозга туширади.

У Навоийнинг дунёда тенгги йўқ қалам соҳиби, соҳибқирон эканлигини алоҳида таъкидлайди: *“Назм иқлимида қайси берк қўрғанға куч келтурдиким, эшиги анинг юзига очилмади ва қайси азим кишварға табъ чериги билан турктоз солдиким, фатҳ қилмади. Бу кун назм арконининг рубъи маскунида қаҳрамон ул туруру бу мамолик фатҳиға соҳибқирон ани десалар бўлур”* [2; 15]. Ўзи, аслида, Навоий доим Ҳусайн Бойқарони соҳибқирон, деб улуғлайди. Аммо подшоҳ бу ерда ўзини эмас, балки буюк қалам эгасини соҳибқирон, деб кўкларга кўтаряпти.

Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам яхшигина туркигўй шоир эди. Рисола ҳам муаллифнинг бир қанча туркий шеърлари билан бойитилган. Унинг девон тузгани ҳам маълум. У Ҳусайний тахаллуси билан ижод қилган.

Тарихдан биламизки, одатда, ҳукмдорлар фаолияти, уларнинг мадҳига бағишлаб турли тарихий ва бадиий асарлар қалам эгалари томонидан ёзилади. Аммо подшоҳнинг ўз замондош шоирига бағишлаб асар ёзиши дунё адабиётида деярли учрамайдиган ҳодиса, десак бўлади. Аммо Ҳусайн Бойқаро шу шарафли вазифани фахр билан адо этди. Бу эса унинг ижод оламига қанчалик яқин инсон эканлигидан, ўз даврининг юксак маънавий раҳнамоси, ҳомийси бўлганлигидан далолат беради. Унинг соясида Жомий, Навоийдан ташқари, Лутфий, Биноий, Восифий, Мирхонд, Хондамир, Бадриддин Ҳилолий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Султонали Машҳадий, Абдужамил Котиб, Камолиддин Беҳзод, Шайхим Суҳайлий, Мирак Наққош, Қосим Али каби шоир, олим, тарихчи, мусиқачи, наққош, рассому хаттотлар қизғин ижод билан шуғулланишди.

“Ҳусайн Бойқаро подшоҳлик қилган ва давлат, санъат, адабиёт, илм-фан ишларига Навоий ҳомийлик қилган бу замоннинг энг муҳим ютуғи шундаки, мамлакатда уларнинг ёрдамлари билан илм, фан, санъат, адабиёт беқиёс ривожланиб, бу соҳаларда кишиларнинг кўзини қамаштирадиган порлоқ истеъдод соҳиблари етишди. Абдуқодир Ноий, Ҳусайн Удий, Шоҳқули

Ғижжакий, Дарвеш Аҳмад Қонуний каби мусиқа арбоблари, Султон Али Машҳадий, Абдулжамил Котиб, Султон Али Коиний, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Абдулло Марварид каби хаттотлар, Беҳзод, Мирак Наққош, Шоҳ Музаффар, Маҳмуд Муҳаҳҳиб, Қосим Али Чеҳракушо, Муҳаммад Наққош каби рассом ва наққошлар маънавият оламининг сўнмас юлдузлари бўлиб тарихдан ўрин олдилар" [4; 81].

Навоий "Хамса"нинг ҳар бир достонида Ҳусайн Бойқарога алоҳида боб бағишлади. "Мажолис ун-нафоис" тазкирасининг 8-мажлиси ҳам тўлалигича ҳукмдор таърифидан иборат. Айниқса, шоирнинг Бойқаро тахтга чиқишига бағишланган "Ҳилолия" қасидаси ҳам машҳур.

"Алишер Навоийнинг деярли барча насрий асарлари ҳам султон Ҳусайн Бойқаро номига бағишлаб ёзилган бўлиб, Навоий уларнинг ёзилишида замона ҳукмдорининг ҳомийлиги ва рағбатини алоҳида таъкидлаб ўтади. "Тарихи мулуки ажам" асарининг хотимасида Ҳусайн Бойқаро салтанати тарихи ҳақида ёзиш нияти борлигини айтиб ўтади" [1; 265].

Суйима Ғаниева юқорида номи зикр этилган мақоласида XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда вужудга келган ҳар томонлама тараққиёт ҳақида ёзиб, ўша даврдаги олиму уламо, шоиру шуаро ва бошқа етук касб эгалари номларини бирма-бир санаб ўтади: *"Алишер Навоий бошчилиги, Ҳусайн Бойқаро хайрихоҳлигида Ҳиротда зўр маданий муҳит вужудга келиб, унда машҳур тилшунос олим ва тарихчилар, хаттот ва котиблар, бастакор ва хонандалар, рассомлар ва наққошлар, созанда ва ҳофизлар, файласуф ва музикашунослар, шоир ва адиблар ижодий иш билан шуғулланди. Чунончи тилшунос олимлардан Сайфиддин Аҳмад, Шайх Ҳусан; адабиётшунослардан – Давлатшоҳ, Сайфи Бухорий, Сайфиддин Муҳаммад Бадахший, Камолиддин Ҳусайн; тибб олими – Дарвеш Али; тарихчилар – Мирхонд ва Хондамир; хаттотлар – Султон Али Машҳадий, Абдужамил котиб, Султон Муҳаммад Хандон, рассом ва мусаввирлардан Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффар, бастакор ва созандалардан Ғулом Шодий, Хожа Марварий, Устод Қулмуҳаммад Удий, Шайх Нойи, Ҳусайн Удий, Устод Кучек Али Танбурий,*

Устод Али Хоний, Ҳофиз Султон Маҳмуд Айший; шоир ва адиблардан – Абдураҳмон Жомий, Шайхим Суҳайлий, Бобо Шўрида, Ҳусайн Воиз Кошифий, Хуррамий, Наргисий, Камолиддин Биноий, Ҳофизи Саъд, Осафий, Соҳиб Доро, Бадриддин Ҳилолий ва бошқалар” [3; 110]. Муҳими шундаки, ўз касбининг ном чиқарган етук намояндаларига Навоийнинг бевосита таъсири бор. У ўз замондошларининг истеъдодлари юзага чиқишида ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам кўрсатди. Илм ва ижод аҳлининг йўлбошловчиси бўлди. Энг муҳими, Навоий ўз замондошларига ҳар томонлама ҳомийлик қилишни ўзининг олий бурчи, деб билди.

“Ўзаро низолар, темурий шаҳзодалар ўртасидаги шиддатли курашлар силсиласида тобланган, тажриба орттирган довюрак саркарда, етук истеъдод соҳиби Ҳусайн Бойқаро Хуросонда ҳокимиятни эгаллагач, мамлакатда тинчлик, осойишталикни қарор топтириш, ички ҳудудий низолар, зиддиятларни бартараф этиш ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратди. У ўлкада маданий-маърифий ва ободончилик ишларини ривожлантиришга алоҳида рағбат кўрсатди: иқтисодий ҳаёт юксалиб, халқ фаровонлиги ошади, савдо-сотиқ ривожланади, юзлаб карвонсаройлар работ, кўприк, мактаб, мадраса, масжид, хонақоҳ, ҳаммом, табобатхона, етимхона, сув ҳавзалари қурилади, каналлар қазилади, боғлар барпо этилади; номларини абадийлаштириш мақсадида шоҳнинг бошқа амир-амалдорлари ҳатто маликалар ҳам ўз номларидан масжид, мадраса, турли хайрия бинолари қуришга киришиб кетадилар” [1; 264]. Навоий яшаган даврда барча соҳалар жадал тараққий топди. Суйима Ғаниеванинг таъкидлашича: *“Адабиётга келганда, бу соҳада шундай тараққиёт юз берадики, уни на аввалги барча асрлардаги ва кейинги бир неча асрлар мобайнидаги адабиёт билан таққослаб бўлади, бу даврда ўзбек адабиёти ҳам, форс-тожик тилидаги адабиёт ҳам, айниқса, Жомий тимсолида ва Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари тимсолида ўзининг яна бир чўққисига кўтарилади”* [3; 116].

Аслида, XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда вужудга келган бундай муҳит Мусулмон Шарқидаги иккинчи Уйғониш даврининг мевалари эди. Илму амалда ҳар томонлама етуклик, комилликка эришиш бу давр зиёлиларининг олий мақсади бўлган. Бу борада Абдуқодир Ҳайитметов шундай ёзади: *“Кўринадики, бу даврда кишилар бир касб, бир ҳунар ёки илмнинг, санъатнинг бир соҳаси билан чегараланиб қолмасдан, бошқа соҳаларни ҳам эгаллашга ҳаракат қилганлар ва бунга эришганлар ҳам. Бу умумий бир меъёр даражасида бўлган. Масалан, Биноий шу даврнинг кўзга кўринган шоир ва хаттотларидан бўла туриб, мусиқадан узоқ бўлган. Аммо унинг бу камчилигини кўрсатганларида, бу танқидни у тўғри қабул қилиб, оз фурсатда мусиқани ўрганган, ҳатто бу соҳа бўйича рисола ҳам ёзган”* [4; 81].

Навоий юксак даражага кўтарилган ўз замони ҳақида ёзмаслиги, бундай тарихий тараққиётни қалам соҳиби сифатида тарихга муҳрламаслги мумкин эмас эди. Шу сабабли у ўзининг деярли барча асарларида ўз замонаси ва шу давр кишиларига бўлган муносабатини билдириб кетди.

Умуман, Навоий замондошлари ижод ва фаолиятини ўрганиш, тадқиқ этиш улуғ даҳо яшаган ижтимоий-маданий муҳит ҳақида тасаввурларимизни кенгайтиради. Хусусан, бу даврда яшаган қалам аҳлининг фаолиятини ўрганмай туриб, Навоий асарлари мазмун-моҳиятига тўлиқ тушуна олмаймиз. Бу эса ушбу замон маданий муҳитини комплекс ўрганишни тақозо этади.

Ҳусайн Бойқаро умрининг охиригача, яъни 38 йил ҳукмронлик қилди. Гарчи, невараси Мўмин Мирзони ўлимга ҳукм этишдек хатоларга йўл қўйган бўлса ҳам, Хуросон мамлакатини ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди. Аслида, улуғ Жомий ва Навоийларнинг ижодда етук даражага чиққанликларида Ҳиротдаги тинчлик, осойишталик, фаровонликнинг аҳамиятини рад этиб бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий: қомусий луғат. 2-жилд. – Тошкент: Sharq, 2016. – 480 б.
2. Бойқаро, Ҳусайн. Рисола. – Тошкент: Шарқ, 1991. – 24 б.
3. Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан. – 1968. – 353 б.
4. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 240 б.